VIII. ХИЗМАТЛАР

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифатини ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш
(2019 йил январь-декабрь)

	Млрд. сўм	*Ўсиш суръати, % да*	*Жамига нисбатан, % да*
Жами хизматлар	**7442,9**	**110,2**	**100,0**
шу жумладан: хизмат турлари бўйича			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	454,0	110,8	6,1
Молиявий хизматлар	1075,1	164,9	14,4
Транспорт хизмати	1442,6	104,2	19,4
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	1300,7	102,1	17,5
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	156,8	101,7	2,1
Савдо хизматлари	2445,1	102,0	32,9
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	228,2	102,1	3,1
Таълим соҳасидаги хизматлар	307,4	108,2	4,1
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	156,0	113,1	2,1
Ижара ва прокат хизматлари	153,8	100,4	2,1
Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	207,3	102,1	2,8
Бошқа шахсий хизматлар	488,0	100,2	6,5
Меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовларва таҳлил соҳасидагихизматлар	119,3	122,7	1,6
Бошқа турдаги хизматлар	209,4	102,0	2,8

Хизматлар таркибида энг катта улушни савдо хизматлари (32,9 %), транспорт хизматлари (19,4 %), молиявий хизматлар (14,4 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (6,1 %) ташкил этган.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушларни соғлиқни сақлаш хизматлари (2,1 %), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (1,6 %) ташкил этган.

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида бажарилган хизматлар таркиби, *(фоизда)*



2019 йил январь-декабрь ойларида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 7 442,9 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 1 885,9 млрд.сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 25,3 %ни ташкил қилди. (2018 йил январь-декабрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 112,6 %ни).

Молиявий хизматлар 164,9 %га ошган ва жами хизмат таркибида 14,4 %ни ташкил этди.

Транспорт ва алоқа хизмати 104,2 %га ошган ва жами хизмат таркибидаги улуши 19,4 %ни ташкил этди.

Савдо хизмати 102,0 %га ошган ва жами хизмат таркибидаги улуши 32,9 %ни ташкил этди.

Таълим соҳасидаги хизматлар 108,2 %га ошган ва жами хизмат таркибидаги улуши 4,1 %ни ташкил этди.

Бошқа шахсий хизматлар 100,2 %га ошган ва жами хизмат таркибидаги улуши 6,6 %ни ташкил этди.

Меморчилик,мухандислик изланишлари,техник синовлар ва тахлил сохасидаги хизматлар 122,7 %га ошган бўлиб, жами хизмат таркибидаги улуши 1,6 %ни ташкил этди.

2019 йил январь-декабрь ойларида кўрсатилган хизматлар таркиби

(жами хажмга нисбатан, % да)

Шаҳар ва туманлар кесимида хизматлар ишлаб чиқарилиши
(2019 йилнинг январь-декабрь, млрд.сўм)



Шаҳар ва туманлар кесимида кўрсатилган хизматлар ҳажми аҳоли жон бошига
(2019 йилнинг январь-декабрь, минг сўм)



Ҳудудлар кесимида хизматларнинг энг юқори ўсиш суръати Наманган шаҳрига 3 918,2 млрд. сўм (112,8 %) ва Чуст туманига 515,1 млрд. сўм (107,5 %)га тўғри келди.

Аҳоли жон бошига энг катта хизматлар ҳажми Наманган шаҳри (6 327,8 минг сўм), Наманган тумани (2 132,2 минг сўм) ва Тўрақўрғон тумани (2 038,3 минг сўм)ларида қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми
(2019 йилнинг январь-декабрь)

	Жами			***Аҳоли жон бошига***	
	Млрд. сўм	***2018 йил январь-декабрь ойларига нисбатан, % да***	***жами хизматлар ҳажмига нисбатан, % да***	***минг сўм***	***2018 йил январь-декабрь ойларига нисбатан, % да***
Вилоят жами	**7 442,9**	**110,2**	**100,0**	**2 675,5**	**108,0**
Наманган ш.	3 918,2	112,8	52,6	6 327,8	110,4
Мингбулоқ	175,2	107,9	2,4	1 408,0	105,7
Косонсой	257,3	106,6	3,5	1 247,9	104,4
Наманган	376,6	106,5	5,1	2 132,2	104,2
Норин	183,9	106,3	2,5	1 136,7	104,4
Поп	413,1	107,4	5,6	1 903,8	105,5
Тўрақўрғон	454,5	106,6	6,1	2 038,3	104,4
Уйчи	264,0	107,0	3,5	1 257,3	104,7
Учқўрғон	290,2	105,3	3,9	1 708,2	103,3
Чортоқ	354,2	111,3	4,8	1 802,3	109,1
Чуст	515,1	107,5	6,9	1 964,0	105,5
Янгиқўрғон	240,6	110,3	3,2	1 119,1	108,2

2019 йил январь-декабрь ойларида алоҳида хизмат турлари ҳажмининг таққосланиши, *млрд.сўмда*



Хизматлар ҳажмининг нисбатан сезиларли бўлмаган ҳолда ошиши алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича кузатилди. Уларнинг ҳажми 2018 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 5,2 млрд.сўмга ошди.

Энг юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматлар (164,9 %), меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синов ва тахлил сохасидаги хизматлар (122,7 %), соқлиқни сақлаш сохасидаги хизмат (113,1 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (110,8 %),Таълим хизматлар (108,2 %), каби хизмат турларида қайд этилди.

Транспорт хизматлари таркибида етакчи ўринни автомобил транспортида кўрсатилган хизматлар (90,2 %) эгаллайди

Ёрдамчи транспорт фаолияти транспорт хизматлари умумий хажмининг 9,5 % ни ташкил қилади.

Почта ва куръерлик фаолияти бўйича транспорт хизматларининг 0,3 % ни ташкил этади.

Савдо хизматлари таркибида автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдо бўйича хизматлар катта салмоққа эга. 2019 йил январ-декабрь ойларида унинг улуши 81,6 % ни ташкил этади.

Улгуржи савдо бўйича хизматларнинг (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) улуши 13,0 % га етди.

2019 йил январь-декабрь ойларида транспорт турлари бўйича транспорт хизматлари таркиби, *фоизда*



Ахолининг даромадлари даражасининг ошиши билан истеъмол талаби ва савдо айланмаси ўсмоқда.

Автомобиллар ва мотоцикларни таъмирлаш бўйича хизматларни қўшган ҳолда автомобиллар ва мотоцикллар улгуржи ва чакана савдоси бўйича хизматлар умумий савдо хизматлари ҳажмида 5,4 % ни эгаллайди.